

ПАРАДОКСНИНГ ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Хамидова Севара Бахтиёровна

Жиззах давлат педагогика университети
инглиз тили амалий курси кафедраси мудири

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада парадокс лингвистик феномен сифатида тадрижий-этимологик хусусиятлари ва турли лугатларда парадокс сўзига берилган таърифлар ҳақида батавфсил маълумот берилган. Парадокс- матндаги маънони кучайтирадиган, шу билан бир қаторда эмоционал-таъсирчанликни оширадиган стилистик воситалардан бири ҳисобланади. Зиддиятни ифодаловч, парадоксдан фарқли жиҳатлари эга бўлган, бошқа бир нечта стилистик воситалар мавжуд.

Калим сўзлар: парадокс, лингвистик феномен, прагматик парадокс, семантик парадокс, стратегик парадокс, тазод, антитеза, контекстуал антонимлар, оксюморон.

ABSTRACT

This article provides detailed information about the historical and etymological characteristics of paradox as a linguistic phenomenon and the definitions given to the word paradox in various dictionaries. Paradox is one of the stylistic tools that enhance the meaning in the text, as well as increase the emotional impact. There are several other stylistic devices for expressing conflict that have different aspects than paradox.

Key words: paradox, pragmatic paradox, semantic paradox, strategic paradox, tazod, antithesis, contextual antonyms, oxymoron.

АННОТАЦИЯ

В статье представлена подробная информация об историко-этимологической характеристике парадокса как языкового явления и определениях, данных слову парадокс в различных словарях. Парадокс является одним из стилистических средств, усиливающих смысл текста, а также усиливающих эмоциональное воздействие. Есть несколько других стилистических приемов для выражения конфликта, которые имеют аспекты, отличные от парадокса.

Ключевые слова: парадокс, языковой феномен, прагматический парадокс, семантический парадокс, стратегический парадокс, тазод, антитезис, контекстные антонимы, оксюморон.

Парадокс тушунчасининг лингвистик тавсифи деб номланган биринчи қисмида парадокс тушунчасига лингвистик тавсиф берилди. Парадокслар бадиий матнда стилистик восита сифатида ўз лингвистик анъаналари, текшириш объекти, тадқиқ йўли ва усулига эга бўлди, замонавий ёндашувлар асосида ўрганилиб муайян ютуқларга эришди¹. Жумладан, парадоксларнинг лингвокультурологик тадқиқи хорижий тиллар мисолида ҳамда уларнинг чоғиштирма таҳлили анъанавий усулларда ҳам, замонавий усулларда ҳам бир қадар ўрганилди². Парадоксал матнларнинг структурал-грамматик, семантик-услубий, функционал жиҳатлари ёритилди.

Дунё тилларнинг луғавий – услубий тизимида алоҳида ўринни эгаллайдиган мазкур мураккаб табиатли бирликлар жаҳон тилшунослигида ҳам, туркийшуносликда ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам бир қадар ўрганилган бўлмасин, уларнинг чоғиштирма таҳлили масалалари ҳанузгача ўзининг аниқ ечимини топган эмас.

Парадокс (грекча. *paradoxos* – кутилмаган - неожиданный, ажабланарли-странный, ғалати) турли бадиий, илмий соҳаларда кенг қўлланилиб полисемантик термин саналади. Илмда парадокснинг қатор маъно қирралари фарқланади. Хусусан, фикр, мулоҳаза, аклий фикрлаш умум томонидан тан олинган ёки маъқулланган фикрга зид бўлади. 2. Кутилмаган воқийлик ва дастлабки тасаввурга зид. 3. Назарий ва формал мантикга ҳар қандай ҳақиқатни зид қўйиш каби кенг қўламли маъноларга эга. Маълумки, мантикда зидлик антоним ҳодисаси билан синоним юради. Аммо парадокснинг антонимлардан фарқли хусусиятлари унинг ўзига хослигини англатади.

Илмда парадоксларга “кўпчилик томонидан қабул қилинган анъанавий фикр, тажрибага ўз мазмуни ёки шакли билан кескин зид бўлган, кутилмаган мулоҳаза, муҳокама” деб таъриф берилди. Ҳар қандай парадокс «шубҳасиз

¹ Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка. – М.: Высшая школа, 1996. – 381 с.; Соловьян В.А. Языково-стилистические средства сатиры в немецком языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук –М., 1960. – 23 с.; Тармаева В.Д. Когнитивная природа фразеологического парадокса (англ.яз.): дис. канд. филол. наук. – Иркутск, 1997. – 214 с.; Темяникова Э.Б. Когнитивная структура парадокса: на материале англ. яз.: дис. канд. филол. наук – М., 1998. – 206 с.; Трубецкой И.С. Основы фонологии –М.: Иностранная литература, 1960. – 371 с.; Умеренкова А.В. Лингво-когнитивное моделирование эффекта обманутого ожидания: автореф. дис. ... канд. филол. наук: 10.02.19. – Курск, 2009. – 20 с.;

² Baldick Chris. The Concise Oxford Dictionary of Literary Terms //N.Y.: Oxford university press, 2001. – P. 183. Batanouny G.M. El. Syntactic and Semantic Classification of Paradox and their Relation to Reader's Interpretation. // Journal of Literary Semantics. –Canterbury, 1991. – XX/3. – p. 129-163.;Bertolet R. What is said: A theory of indirect speech reports /R.Bertolet. – Dordrecht etc.: Kluwer, 1990. – 251 p.; Ching M.K. L. A literary and linguistic analysis of compact verbal paradox. // Linguistic perspectives on Literature. – London, 1980. – p. 175-181.; Christ H.I. Irony, paradox and the Zen koan. // ETC. A Review of General Semantics. 1968 – vol. 25. – № 3. – p. 350-352.; Comorovsky C. Paradoxical microstructures in the drama of O.Wilde and J.Giraudou // Synthesis. – Bucarest, 1975. – vol. 2. – p. 155-173

тўғри» (асослими, асоссизми, бундан қатъи назар) ҳисобланган у ёки бу фикрни инкор этишдек кўринади. «Парадокс» терминининг ўзи ҳам дастлаб антик фалсафада ҳар қандай ғалати, оригинал фикрни ифодалаш учун ишлатилган.

Мантиқда парадокслар ҳақиқатдан чекиниш деб эътироф этилади. Шунинг учун антиномия, апория, зиддият парадоксининг синонимлари деб ҳисоблаш мумкин. Парадокс бир-бирини истисно қилувчи икки фикрни баб-баравар исбот қилиш мумкинлигини билдиради. Илмий муҳокамада парадокс пайдо бўлишининг асосий сабаби инсон билиш жараёнининг мураккаб диалектик характерга эгаллиги ва бунда шакл ва мазмуннинг ўзаро зиддиятли муносабатда бўлишидир. Парадоксларни бартараф этишнинг универсал йўли йўқ. Мантиқ ва математикада айрим парадоксларни бартараф қилиш усуллари ишлаб чиқилган. *Пахтакор энг севимли футбол команда, аммо стадионда ит ҳам йўқ* матнида мантиқий зидлик мавжуд. Мантиқан Пахтакор севимли жамоа бўлса, стадионда ишқибозлар кўп бўлиши керак эди. *Ўпкасин қўлтиқламоқ, ўпкасини қўлига олиб қочмоқ* каби фраземаларда ички мантиқий зидлик мавжуд. Ўпкасини қўлтиқлаган одам ҳаракатдан тўхтайдди. Парадокс зид мазмун-маъно ҳосил қилишга хизмат қилади. Парадоксни ҳосил қилиш воситалари эса жуда кўп. Шу маънода парадоксларнинг лингвистик хусусиятлари, хусусан ҳар бир халқнинг ментал хусусиятлари бўлган лингвокультурологиясини илмий тадқиқ этиш ҳам муҳимдир.

Парадокслар XX аср охири XXI аср бошида лингвистик тадқиқ этила бошланди. Бу илмий тадқиқотларда парадокс ҳодисасининг тил жараёнларига таъсири, парадокс таъсирида бадиий матнда алоҳида мантиқ ва маъно касб этиш таҳлил ва тавсиф этилади. Ғарб тилшунослигида парадоксал маънолар у ёки бу воқийликка фикрлаш-фаолият ёндашуви асосида шаклланиши эътироф этилади.

Парадоксаллик ва парадоксал матн тушунчаларининг лингвистик тавсифи фаслида тил бирликлари ва матнда парадоксларнинг шаклланиш жиҳатлари изоҳланади. Парадокслар бадиий нутқда, шу билан бирга журналистикада, кундалик ишлатиладиган нутқимизда, илмий соҳаларда, расмий хабарларда учрайди. Парадокс XIX асрнинг охиридан бошлаб бадиий матннинг таркибий элементи сифатида талқин этила бошланди. Инглиз адабиёти классиклари Оскар Уайльд ва Бернард Шоулар “Парадокс устаси” номини олиб, муаллифлар ижодида парадокс матннинг сюжетли-композицион даражаси ва қаҳрамонлар характерининг парадоксал табиатини очиб бериш учун бадиий восита сифатида фойдаланилади. Парадокс бадиий матнда маънавий-маданий, семантик боғлиқлик, экстралингвистик шарт-шароитлар, ахборотлилик, коммуникативлик, прагматиклик, когнитивлик, концептуализм ва бошқа

интегратив белгилари билан воқийлик табиатини очиб беришга хизмат қилади. Парадокс дунё ва инсон табиатини идрок этиш ва тушунишга ёрдам беради.

Парадоксал услубнинг лингвистик ва афористик табиати фаслида тил ва нутқ парадокслари фарқланган. Тилшуносликда парадокс лингвистик хусусиятларига эга ва бадиий матнда эса ҳажвий эффект ҳосил қиладиган, зид маънони ва зиддиятни юзага келтирувчи стилистик восита сифатида қаралган, тадқиқ ва тавсиф этилган.

Тил ва нутқ тушунчалари фарқланганидек, замонавий лингвистик ёндашув доирасида тил ва нутқ парадокслари ажратилади. Мақол ва маталлар, фразеологик бирликлар шунингдек, парадоксда шаклланган айрим бирликлар - **тил парадокслари** дейилади. Нутқ парадокслари алоҳида мулоқат ҳаракатини тавсифловчи индивидуал муаллиф томонидан яратилган тил бирликларидир.

Тил ва нутқ парадокслари умумий ва алоҳида хусусиятларга эга инвариант компонентлар, алогизм, мантиқий меъёрдан оғиш, зиддият, гап икки қисмининг ўзаро мос келмаслиги фарқланади. Тил ва нутқ парадоксларининг баъзи умумий хусусиятлари содда гаплар тузишда уларнинг синтактик тузилишида кузатилади: *Best defense is offence. The longest way round is the nearest way home. A brave retreat is a brave exploit. An obedient wife commands her husband.*

Нутқ парадокслари уларни бир ёки бир нечта жумла сифатида куриш учун ишлатилиши мумкин: *I adore simple pleasures. They are the last refuge of the complex.* [Wilde 1994]

Тил ва нутқ парадоксларининг умумий хусусияти мақол ва фраземалар шаклида намоён бўлади. Л.И.Швыдская мақолларининг умумлаштирувчи маъносининг парадоксал компонентининг ташқи белгиларини сўзлар: every, everybody, never сўзларини умумлаштириш мезони деб ҳисоблайди¹.

Парадоксларнинг ягона таърифи мавжуд эмас. Илмий адабиётларда – *мантиқсиз ибора, мантиқсиз гаплар*, баъзи лингвистик тадқиқотларда парадокс тил эксперименти ёки тил ўйини, кутилмаган, ноодатий, ғалати баёнот, кўриниши ёки ҳақиқатда умум қабул қилинган фикрдан кескин фарқ қиладиган, умум қабул қилинган фикрга мос келмайдиган, устунлик қиладиган эътиқодга ёки ҳатто соғлом фикрга мос келмайдиган, бироқ расмий- мантиқий жиҳатдан тўғри бўлса ҳам” каби таърифлар² эътироф этилади.

¹ Швыдкая Л.И. Пословицы и афоризмы английского языка как единицы постоянного контекста и структура их значения // Стиль и контекст. – Л., 1972. – С. 94-102.

² Гинзбург Б.П. О природе логических парадоксов : автореф. дис. канд. филос. наук – М., 1969 – 12с.; Заботина Е.Н. Когнитивное моделирование структур парадокса современных английских скетчах: автореф. дис. кандидата филол. наук: 10.02.04 – Санкт-Петербург, 2012. – 24 с.; Казаков, А.Н., Якушев, А.О. Логика. Парадоксология: Учебное пособие для старших классов лицеев, колледжей, гимназий и студентов вузов – Ижевск, 1998. – 316 с.;

Тадқиқотимизда қуйидаги таърифни асос қилиб оламиз: *Парадокс бадий матннинг маъно-мазмун(семантик) муҳитини, уни таркибига кирувчи тил бирликлари маъносини ўзгартирадиган, янги маънолар ҳосил қиладиган, муайян башорат қилинадиган (олдидан айтиб берадиган) ностандарт семантик конструкциядир.*

Тадқиқотда парадокснинг шаклланишида матннинг ўрни ва роли хусусида ҳам фикр юритилган. Тилшуносликда бадий матн маълум даражада “*муаллифнинг портрети*” сифатида қаралади. Бадий матн муаллифнинг воқелик талқини сифатида ёзувчининг ниятини рўёбга чиқаради, унинг ғоя ва тасаввурларини тасдиқлайди, муаллиф ниятини етказиш воситаси сифатида парадокснинг танланиши тасодифий эмаслигини таъкидлаш лозим. Парадокс орқали бадий матнга, инсоннинг воқеликга нисбатан амалий ва маъновий фаолияти асосида умумлаштирилган тажрибаси баён этилади, фикрни муайян туркумлаш амалга оширилади. Бадий матндаги парадоксга мурожаат қилиш орқали муаллиф ўзининг субъектив кашфиётини етказишга ҳаракат қиладди, бир бирига яқин ҳодисаларнинг ноаниқликларини шахсий идрок этишни таъкидлайди, қарама-қарши қутбли ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликни очиб беради ва шу тариқа реал дунё ва идрокнинг субъективлиги, дуаллиги(икки карралик)ни етказди.

Парадоксал матнда қарама-қаршилиқларнинг диалектик ўзаро таъсири ифодаланади. Уларда *антитезалар, оксюморонлар* асосида фикрлар ифода этилади. Зиддият мавжуд бўлади, аммо бу зиддият ҳақиқатни очиб беришга қаратилади.

Қарама-қаршилиқ (яхшилиқ-ёмонлиқ, ёруғлиқ-қорнғулиқ, нафрат-муҳаббат) зиддиятларни амалга оширувчи *антитезадан* фарқли ўларок, парадокслиқ дастлаб идрок этувчи онгида бўлмаган зиддиятли тушунчаларни ифода этади, унинг рефлексиясини фаоллаштиради.

Воқелиқни парадоксал идрок этиш бадий матнда “*He was always late on principle, his principle being that punctuality is the thief of time* (The Picture of Dorian Gray).” парадоксаллашнинг асосида “*ўғирлиқ*” маъноси, маъно майдонига “*пунктуаллиқ*” лексик бирлик киритилганда “*вақт ўғриси*” образи орқали англаш, интерпретация (талқин қилиш) жараёнида пунктуаллиқ ва ҳалоллиқни ўғрилиқ сифатида англаш юз беради.

Колодина Н.И. Теоретические аспекты понимания и интерпретации художественного текста (на материале русского и английского языков): автореф. дис... д. филолог. наук – Тверь, 2002.–293с.; Крюкова Н.Ф. Метафоризация и метафоричность как параметры рефлексивного действия при продукции и рецепции текста: дис. ... д.ф.н.:10.02.19 [Текст] / Н.Ф. Крюкова. – Тверь, 200. – 281 с.;

Тилшуносликда парадоксни лингвистик таҳлил ва тавсиф этиш натижасида парадоксаллик тушунчаси ҳам лингвистик тавсифга эҳтиёж сезади. Парадоксаллик “аффектив зиддият ва мазмунни шакл билан йўқ қилиш, яъни, мазмун ва шакл орасидаги ички келишмовчилик” деб таърифланади. Парадоксаллик тушунчасидан лингвистика, адабиётшунослик, эстетика, психология бўйича ишларда кенг фойдаланилади.

Парадокснинг адабий-бадий парадокс ва стилистик услуб сифатидаги парадокс лингвистик табиатини ўрганиш бўйича ишларнинг энг катта гуруҳини парадоксни стил категорияси сифатида ўрганиш ташкил этади. Парадоксни стилистик услуб сифатида қарашга нисбатан ягона фикр ҳозирги вақтда стилистикада мавжуд эмас. Комик назарияда парадокслар афоризмлар, ҳазиллар ва каламбур (ўйин)лар билан бир қаторда стилистикада юмор ва сатира, фразеологик усуллари ҳам фарқланиб тавсиф этилади. Фразеологик бирликлар таркибига *1. турли функционал лексикани аралаштириш. 2. турли стилистик бўёқдаги сўзлардан фойдаланиш 3. мазмун ва шакл орасида номувофиқликни атайлаб яратиш*” воситаларидан фойдаланилади.

Умуман олганда стилистикада парадокс катта даражада ҳиссий тўйинганлик билан тавсифланади, шунинг учун унинг образлилиги унинг компонентлари(табиий қисмлари)да қарама-қаршилиқлар йўл берилишига асосланади. Бундай йўл қўйилишлар асосида сўзлар орасида янги, нотипик алоқаларини очиб берадиган метафорик ва метаномик алоқалар ётади.

Парадокснинг аллегорик табиати. Тилшунослар оксюморон ва парадокс каби стилистик воситаларни фарқлаш мақсадга мувофиқ эмас ва бу воситалар (усуллар) аллегорик(мантикий бўлмаган) алоқаларнинг маълум тури сифатида ўрганилишини эътироф этадилар.

Илмий нашрларда парадокс ва оксюморонни ажратиш масаласи бўйича ўхшаш назарлар учраб туради. Жумладан “оксюморон – парадокснинг ўзи” ёки оксюморонни “потенциал парадокс сифатида” талқин қилиш ҳоллари учрайди.

Фикримизча, парадокс ва оксюмороннинг лингвистик табиатидаги ўхшашлик “семантик номувофиқлик” дан иборат. Аммо оксюморонда бир бири билан мантикий бирлаша олмайдиган ҳодисалар бирлашади: *ўлик сукунат, зериккан оптимист, ҳалол ўғри*, парадоксда эса исботланган ҳақиқат, аммо қарама-қаршилиқ мавжуд бўлади.

Оксюморон *тирик мурда, ёш чоллар, секин шошил, ёмон яхши* каби бемаъни кўринган, лекин аслида қарама-қаршилиқ хусусиятини очиб берувчи семантик нутқ фигурасидир.

Парадоксал услуб ва унинг синтактик хусусиятлари тавсифи фаслида парадокс ва оксюморон стилистик усул сифатида: 1) аллегорик(мантиқсиз)

тузилма, 2) аллегория (бошқача айтиш) ва икки маънолик, 3) лингвистик(тил) ёки контекстуал антиномия юзага келиш, 4) контраст ва айният мавжудлиги, 5) қарама-қаршилик каби тизимли хусусиятларга эгаллиги изоҳланади. Шу маънода парадокс ва оксюморонни парадоксаллик функциясини амалга оширувчи воситалар гуруҳига киритиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар ва интернет сайтлар

1. Алпатов В.М. История лингвистических учений [Текст] / В.М.Алпатов. – М.: Языки русской культуры, 1998. – 367с.
2. Аникст А. Оскар Уайльд и его драматургия [Текст] / Оскар Уайльд. Пьесы. – М: Искусство, 1960. – С. 5-19.
3. Философский энциклопедический словарь. Москва,1983.-447с.
4. Lacey A.R. A Dictionary of Philosophy-3rdedn, Department of Philosophy, King's College, University of London, 1996.- P.386 .
5. Абдурахмонов Ҳ. Махмудов Н.Сўз эстетикаси. – Тошкент.:Фан,1981.-Б.38-37
6. Зиёвуддинова Ш. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал-улум” асарида поэтика. – Тошкент.: ТДШИ,2001.-Б.57
7. Йўлдошев М. Исоқов З. Ҳайдаров Ш.Бадий матннинг лисоний таҳлили.- Тошкент.:А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти,2010.- Б.111
8. Вахтиёрова, Х. S. (2022). PARADOKS TARJIMALARIDAGI LEKSIK MUAMMOLAR. Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities, 10(12), 488-492.
9. Хамидова Севара. (2023). ПАРАДОКС ЛИНГВИСТИК ФЕНОМЕН СИФАТИДА. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7843061>
10. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=en&user=YkuyGq8AAAAAJ&citation_for_view=YkuyGq8AAAAAJ:mVmsd5A6BfQC
11. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=en&user=YkuyGq8AAAAAJ&citation_for_view=YkuyGq8AAAAAJ:_kc_bZDykSQC
12. https://en.wikipedia.org/wiki/Zeno%27s_paradoxes
13. <https://philosophybreak.com/articles/i-think-therefore-i-am-descartes-cogito-ergo-sum-explained>